New Day in Medicine
Новый День в Медицине
NDM

TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal

AVICENNA-MED.UZ

ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (79) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН

НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ

NEW DAY IN MEDICINE

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского является генеральным научно-практическим консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных изданий, рецензируемых Высшей Аттестационной Комиссией Республики Узбекистан (Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (79)

2025

май

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 20.04.2025, Accepted: 06.05.2025, Published: 10.05.2025

УДК 616.716.4-005.4-089.22

ЖИГАР ВА ЎТ ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН КАСАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ТИШ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Олимов Сиддиқ Шарифович Https://orcid.org/0000-0002-1142-6838
Ахмедов Алибек Баҳодирович https://orcid.org/0000-0003-2830-5423
*e-mail:*alibek_axmedov@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ ***Резюме***

Жигар ва ўт йўллари касалликлари билан касаланган беморларда тиш қаттиқ тўқимасидаги патологик ўзгаришларинга жигар ва ўт йўллари касалликлари тарқалиши, уларнинг умумий овқат ҳазм қилиш органлари касалланишидаги ўрни муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жигар ва ўт йўлларидаги ўзгаришлар тиш қаттиқ тўқимасининг нокариоз касалликларининг келтириб чиқарувчи сабабларидан бири бўлиб келмоқда.

Калит сўзлар: жигар ва ўт йўл касалликлари, тиш қаттиқ тўқимаси, патологик ўзгаришлар, ретроспектив таҳлиллар.

ИЗМЕНЕНИЯ ТВЕРДОЙ ТКАНИ ЗУБОВ У ПАЦИЕНТОВ С ЗАБОЛЕВАНИЯМИ ПЕЧЕНИ И ЖЕЛЧЕВЫВОДЯЩИХ ПУТЕЙ

Олимов Сиддик Шарифович Https://orcid.org/0000-0002-1142-6838
Ахмедов Алибек Баходирович https://orcid.org/0000-0003-2830-5423
*e-mail:*alibek_axmedov@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ ***Резюме***

Патологические изменения твердых тканей зубов у больных с заболеваниями печени и желчевыводящих путей, распространенность заболеваний печени и желчевыводящих путей, их роль в общей заболеваемости органов пищеварения считающая важными. Изменения в печени и желчных протоках по-прежнему являющие одной из основных причин некариоза твердых тканей зубов.

Ключевые слова: заболевания печени и желчевыводящих путей, твердые ткани зубов, патологические изменения, ретроспективные анализы.

CHANGES IN THE HARD TISSUE OF TEETH IN PATIENTS WITH DISEASES OF THE LIVER AND BILIARY TRACT

Olimov Siddiq Sharifovich https://orcid.org/0000-0002-1142-6838
Axmedov Alibek Bahodirovich https://orcid.org/0000-0003-2830-5423
e-mail: alibek_axmedov@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ ***Resume***

Pathological changes in the hard tissues of teeth in patients with liver and biliary tract diseases, the prevalence of liver and biliary tract diseases, and their role in the overall incidence of digestive organs are considered important. Changes in the liver and bile ducts still occur due to necrosis of the hard tissues of the teeth.

Key words: liver and biliary tract diseases, dental hard tissues, pathological changes, retrospective analysis.

Тадқиқотнинг долзарблиги

Сўнгги йилларда жигар ва ўт йўллари билан боғлиқ касалликлар дунё миқёсида ҳам, Ўзбекистон Республикасида ҳам аҳамиятли тиббий ва ижтимоий муаммолардан бирига айланмоқда. Овқат ҳазм қилиш тизими органларининг умумий касалланиш кўрсаткичлари ортиб бориши, айниқса, жигар билан боғлиқ патологияларнинг сони кўпайиши мазкур йўналишда илмий таҳлил ва профилактик тадбирларни амалга ошириш зарурлигини англатади. Ҳозирги кунда сурункали жигар касалликлари билан оғриган беморлар сонининг кўпайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бу вирусли жигар касалликлари сонининг кўпайиши, токсик ва доривор воситалардан фойдаланиш, нотўғри овқатланиш билан боғлиқ. Шу муносабат билан жигар касалликлари сурункали стоматологик касалликларининг авж олиши га сабаб бўлмоқда ушбу беморларга стоматологик ёрдам кўрсатиш тобора катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, стоматологлар олдига янги вазифаларни қўймоқда. Буларга кариоз ва нокариоз жараённинг тарқалиши ва интенсивлигини, пародонт касалликларни ва умумий касалликнинг шакли, кечиши ва давомийлигини ҳисобга олган ҳолда асосий (ҳимоя) сўлакажралишини фаоллаштиришга киради. Тиш ҳолатидаги ўзгаришлар ва сурункали диффуз жигар касалликлари билан оғриган беморларда стоматологик касалликларини ўз вақтида даволашнинг оғиз бўшлиғи ҳолатига таъсири бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда [2,3,4]. Гепатобилиар тизимнинг бузилишларини аниқлаш учун диагностик тестлардан бири қон зардобини биокимёвий таҳлил қилишдир. Ушбу патология билан унинг ферментатив спектри ўзгаради, бу шубҳасиз сўлак ва милк суюқлик таркибига таъсир қилади. Сўлак таркибидаги амилаза, липаза, ишқорий фосфатаза, АЛТ ва АСТ лар қон зардобидаги бу ферментларнинг даражасини акс эттиради. Шу билан бирга, маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг кўплаб тадқиқотларида оғиз бўшлиғида содир бўладиган патологик жараёнлар стимулланмаган аралаш сўлакнинг биокимёвий таркибини ҳам бузишини аниқланди. Сўлак ва милк суюқлик таркибидаги эрта ва кечки ўзгаришлар фермент тизимларига таъсир қилади. Фермент фаоллиги стоматологик касалликларининг клиник кечишини акс эттиради. Аралаш сўлак ва милк суюқликнинг биокимёвий кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик, шунингдек, ушбу биологик суюқликларни жигарнинг функционал ҳолатини текшириш учун скрининг сифатида ишлатиш имконияти таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Пародонто патологияларда қон оқимининг ҳолатини баҳолаш учун ултратовушли Допплерографиядан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот мақсади: Жигар ва ўт йўллари касалликлари тарқалиши, уларнинг умумий овқат ҳазм қилиш органлари касалланишидаги ўрни, динамикаси, эҳтимолий сабаблари ва келгусидаги тенденцияларини ретроспектив баҳолаш.

Материал ва методлар

Ушбу тадқиқотда 2019–2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида овқат ҳазм қилиш тизими органларининг умумий касалланиш ҳолатлари, шу жумладан жигар ва ўт йўллари касалликлари бўйича расмий статистик маълумотлар (30-шакл) таҳлил қилинди. Статистик таҳлил жараёнида трендли моделлаштириш ва динамик қиёслаш усуллари қўлланилди. Бундан ташқари, 2019–2023 йилларда гастроэнтерология бўлимига ётқизилган беморларнинг тиббий карталари (n = 4253) ретроспектив таҳлил қилинди.

Натижалар ва таҳлиллар

Ҳудудий миқёсда аҳолининг жигар касалликлари билан касалланишининг турлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш гастроэнтерологик ёрдамни такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантиришга имкон беради.

2018 йилдан 2022 йилгача овқат ҳазм қилиш аъзоларининг барча касалликлари орасида жигар касалликлари билан касалланиш улуши 3,02% дан 6,87% гача бўлган (1 ва 2-жадваллар). Ўзбекистон Республикаси бўйича 11 йилда овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларининг бутун таркибида умумий касалланишнинг камайиши кузатилди (1-жадвал).

Тадқиқот натижасида жигар касалликларининг тарқалиши Бухоро вилоятидаги 100 минг аҳолига ўртача 503,06±37,59 ни ташкил этгани ва 2005 йилдан 2015 йилгача 51,6%га ошганлиги аниқланди. Ҳар йили жигар касалликлари билан касалланишнинг нисбий ўсиш суръати ўртача 12,18% ни ташкил этди (1 - жадвал).

1 - жадвал

100 минг аҳолига овқат ҳазм қилиш органларининг умумий касалланиш динамикаси

Касалликлар синфлари	2019	2020	2021	2022	2023
ЎзРда ОИТнинг барча касалликлари	4 531	3 903	4 775	5 236	5 572
ЎзРда жигар ва ўт йўлларининг барча касалликлари	570	540	600	650	700

Ўтган йиллардаги кўрсаткичларга асосланиб, трендли моделлаштириш касалланиш даражаси тенденциясини башорат қилиш имконини берди. Келажакдаги касалланиш даражаси тенденцияларини экстраполяция қилганда шуни таъкидлаш мумкинки, яқин 5 йил ичида Ўзбекистонда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари бўйича умумий касалланишнинг бироз ошиши кутилмоқда.

Биз ЎзРда жигар касалликларининг умумий касалланиши сезиларли даражада ошиши кузатилмоқда, бунда 2020 йилда дастлабки холатга нисбатан 1,19 мартага камайишини COVID-19 пандемияси муносабати билан камроқ мурожаатлар билан боғлашимиз мумкин. 2021-2023 йилларда ЎзР да умумий хазм қилиш тизими касалилклари ортиб боришини кузатиш мумкин, бунда дастлабки (2019 йил) га нисбатан мос ҳолда 5,11%, 13,46% ва 18,7% ортиши аниқланди.

Айни шундай динамика жигар ва ўт йўллари касалилкларига нисбатан ҳам кузатилди. Бунда 2021-2023 йилларда дастлабки йилга нисбатан (2019) мос ҳолда 5,0%, 12,3% ва 18,6% ортиши куўатилиши мумкин.

2019 йилдан 2023 йилгача бўлган 5 йиллик касалхонага ётқизилган касалликнинг ретроспектив таҳлили гастроэнтерология бўлимида ёппасига текшириш усули билан стационар беморнинг тиббий карталари маълумотлари бўйича ўтказилди (1-расм). Таҳлил қилинган даврда кўриш мумкинки (1-расм) касалхонага ётқизилган беморларнинг 16,63% (сурункали гепатит - 5,65% ва жигар циррози - 10,98%) жигар патологияси бўлган беморлар ташкил этган. 30% ҳолларда касалликнинг алиментар-токсик табиати, 9,0% ҳолларда “В” вирусли гепатит ва 10,5% ҳолларда “С” вирусли гепатит, 16,5% ҳолларда касалликнинг аралаш этиологияси аниқланган. Муҳими шундаки, 28% ҳолларда жигар зарарланишининг сабаби аниқланмаган.



1-расм. Гастроэнтерологик касалликлар структураси

Бироқ, кўриб чиқилган 4253 та касаллик тарихлари орасида ЖАЁК (жигарнинг алкоголсиз ёғ касаллиги) ташхиси ҳеч қаерда қайд этилмаган. МКБ-10 бўйича ёғли гепатоз К76 рубрикасига (жигарнинг ёғли дегенерацияси, бошқа рубрикаларда бу таснифланмаган) тўғри келади. В.Т.Ивашкин бошчилигидаги DIREG II тадқиқотида [60] текширилган 50 145 нафар беморда ёғли гепатоз 24,4% ҳолларда стеатогепатитга, 4,9% эса жигар циррозига айланиши кўрсатилган. Бугунги кунда ЖАЁКнинг жуда кенг тарқалганлигини ва жигар касалликларининг ривожланишида ЖАЁКнинг аҳамияти етарли даражада тушунилмаганлигини ҳисобга олиб, диагностика, даволаш ва профилактика чораларини такомиллаштириш талаб этилади.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг жигар касалликлари билан касалланиши баҳоланганда 2019-2023 йилларда шаҳарларда яшовчилар орасида касалланиш даражаси паст бўлган, аммо статистик ишончли эмас (100 минг аҳолига шаҳарларда 493,19 ± 44,24 ва туманларда 512,1±25,49). Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам жигар касалликлари даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилган.

2019 йилга нисбатан 2023 йилда жигар касалликлари билан касалланиш шаҳар аҳолиси орасида 2,3 бараварга, қишлоқ аҳолиси орасида 1,7 баробарга ошган. Шаҳар аҳолиси орасида жигар касалликлари билан касалланишнинг нисбий ўсиш суръати ҳар йили ўртача 16,6% ни (4,1 дан 49,7% гача) ташкил этган. Қишлоқ аҳолисида ўртача 10,8% ни (3,1% дан 20,1% гача) ташкил қилган. 2020 йилга қараганда 2023 йилда шаҳар аҳолисининг энг юқори ўсиш суръати 49,71% кузатилган. Қишлоқ аҳолисида энг юқори ўсиш суръати 2021 йилда кузатилган — 20,1%.

Жигар патологияси ўтнинг коллоид чидамлилигининг бузилиши, билиар чўкманинг шаклланиши билан бирга кечиши мумкин, бу ЎТК I босқичининг белгиларидир [1]. ЎТКнинг ҳақиқий тарқалганлигини аниқлаш қийин, чунки клиник белгилар II ва III босқичларда қайд этилади. Шунинг учун жигар касалликлари тарқалганлигини ўрганиш натижалари холелитиаз билан касалланишни ўрганишда ҳисобга олиниши мумкин.

Хулоса

Шундай қилиб, жигар касалликларининг умумий касалланишининг ортиши кузатилмоқда ва ушбу патологияларни кўпайиши хамда унинг ўсиш тенденцияси жигар, ўт пуфаги ва ўт йўллари патологиясида ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чораларини модернизация қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, Ўзбекистонда овқат ҳазм қилиш тизими ва айниқса жигар касалликларининг касалланиш даражаси барқарор ўсишда. Ташхис, даво ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш орқали мазкур касалликларнинг салбий оқибатларини камайтириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**:**

1. Вахрушев, Я.М. Желчнокаменная болезнь (эпидемиология, ранняя диагностика, диспансеризация) / Я.М. Вахрушев, Н.А. Хохлачева, А.Ю. Горбунов. – Ижевск, 2014. – 132с.
2. Всемирная организация здравоохранения. Global Hepatitis Report, 2022.
3. Ивашкин В.Т. ва бошқ. DIREG II тадқиқоти. Гастроэнтерология журнали, 2018.
4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси расмий статистик маълумотлари. 30-шакл, 2019–2023.
5. Farrell G.C., Larter C.Z. Nonalcoholic Fatty Liver Disease. N Engl J Med. 2006; 356: 1221–1231.

Қабул қилинган сана 20.04.2025